

РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТГА ЎТИШНИНГ ЖАҲОН ТАЖРИБАСИ: МУАММО ВА ИСТИҚБОЛ

Махмудов М.Ф. ТДИУ “Тармоқлар
иқтисодиёти” кафедраси доценти
Бустонов М.М. Наманган муҳандислик-
технология институти,
“Иқтисодиёт” кафедраси доценти


Аннотация: Мақолада рақамли иқтисодиёт тушунчаси, рақамли иқтисодиётга берилган таърифлар, рақамли иқтисодиётга хос бўлган технологик ўзгаришлар, рақамли иқтисодиётнинг ривожланиши аҳоли бандлигига таъсири, миллий рақамли иқтисодий хавфсизлик тизимини яратиш, ялпи миллий маҳсулотдаги ахборот коммуникация технологиялари соҳасининг улуши, алоқа ва ахборотлаштиришнинг айрим кўрсаткичлари таҳлили, мамлакатимизда тармоқ ва соҳаларда фойдаланилаётган махсус дастурий воситалар сони таҳлили масалалари ёритиб берилган.

Калитли сўзлар: рақамли иқтисодиёт, рақамли иқтисодиётнинг ривожланиши, миллий рақамли иқтисодий хавфсизлик, дастурий воситалар, мамлакат иқтисодий кўрсаткичлари.

Рақамли иқтисодиётга ўтиш зарурати дунёнинг етакчи мамлакатларининг эгаллаб турган ўрни билан кузатишимиз мумкин. Бугунги кунда иқтисодий ривожланган мамлакатларда рақамли иқтисодиётнинг улуши 60-70% ни ташкил қилади. Бу соҳада барча молиявий маблағлар ва меҳнатнинг 2/3 қисми жалб қилинган. Жаҳон ҳамжамиятининг барча ривожланган мамлакатлари ахборот технологияларини, ахборот инфратузилмасини ривожлантиришга, ахборот ресурсларини шакллантиришга, янги иқтисодий тизимнинг иқтисодий ва ижтимоий хусусиятларини ўрганишга стратегик инвестициялар киритмоқдалар.

Рақамли иқтисодиёт 20 йилдан кўпроқ вақт давомида миллий, халқаро ва минтақавий даражада дастурий таъминотни ишлаб чиқиш мавзуси бўлиб келган, унинг мақсади янги иқтисодий тизимга ўтишдан максимал фойда олиш ҳамда хавф ва салбий оқибатларни бартараф этишдан иборат.

Жамият эҳтиёжини қондириш учун зарур моддий ресурслар билан таъминлаш ва ахборот технологияларини ривожлантиришнинг стратегик устунлигига (юқори даражадаги маҳсулдорлик, ижтимоий интерфаоллик, атроф-муҳитга зарар етказиш, глобал тарқалиш ва бошқалар билан ажралиб турадиган) алоҳида эътиборни қаратган ҳолда, рақамли иқтисодиёт бизга энг катта имкониятларни яратишга имкон беришини кузатиб келишимиз мумкин.





Ҳозирги кунда мамлакат аҳолисининг деярли 86 фоизи Интернет тармоғидан фойдаланиш имкониятига эга. Германия дунёда биринчи бўлиб "Глобал информацион" миллий лойиҳаси доирасида "Ахборот инновациялар учун хом ашё сифатида" дастурининг бир қисми сифатида кутубхоналарини рақамлаштирди



Албатта, рақамли иқтисодиётга ўтиш жараёни ишлаб чиқарувчи кучлар ва ижтимоий муносабатлар тизимидаги ўзгаришлар билан боғлиқ бўлган мураккаб ҳодисадир. Бир томондан, ахборот технологиялари соҳасида улардан фойдаланишнинг ижобий таъсири биров пасайишни бошлади. Бошқа томондан, инновацион тадқиқотлар, ахборот ва телекоммуникация технологиялари соҳасида етакчи ўринларни сақлаб келмоқда.

Ушбу қарама-қарши тенденцияларнинг таъсири ва мамлакатларнинг янада ривожланиши учун энг истиқболли вариантларни излаш натижасида рақамли иқтисодиёт соҳасидаги тадқиқотлар долзарб бўлиб келмоқда.

Халқаро электралоқа иттифоқининг (ХЕИ) 2016 йилдаги ҳисоботида кўра, АКТ соҳасида энг ривожланган давлатлар Корея Республикаси (1-ўрин), Исландия, Дания, Швейцария, Буюк Британия, Хитой (Гонконг билан биргаликда), шунингдек Швеция, Голландия, Норвегия ва Япония. Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш индекси бўйича мамлакатлар рейтингда (Германия 12-ўринда, АҚШ 15-ўринда, Россия 43-ўринда). Кўриб чиқилган мамлакатлар ичида Нигер АКТ ривожланиш даражаси пастлигини кўрсатди.

Рақамли иқтисодиётнинг шаклланиши анча мураккаб, унга ўтиш учун ҳар қандай алоҳида элементларга эга бўлиш етарли эмас, чунки узоқ муддатли истиқболда рақамли иқтисодиётни ривожлантириш инновацион, инсоний, технологик ва ижтимоий-иқтисодий комбинацияни талаб қилади.

Рақамли иқтисодиётга ўтиш жараёнида кўплаб мезонларга эътибор қаратиш лозим. Жумладан, индивидуал, микро ва макро даражада ёндашмоғи лозим.

Дунё миллий иқтисодиётларини рақамлаштириш даражаси жуда катта фарқ қилади. Уларнинг ушбу соҳадаги ютуқлари таҳлил учун ишлатиладиган мезонларга қараб ҳар хил баҳоланиши мумкин.

Қуйидаги расмларда айрим иқтисодиётни рақамлаштириш борасида етакчи ҳисобланган мамлакатларда рақамли иқтисодиётнинг ривожланиш даражаси, муаммолар ҳамда истиқболлар таҳлиллари келтирилган.

Хулоса килиб айтканда юқорида келтирилган мамлакатларда, саноат Интернети, сунъий интеллект, булутли ҳисоблаш, квант ва янги ишлаб чиқариш технологиялари, робототехника компонентлари, киберфизик тизимлар, катта маълумотлар каби рақамли технологияларни ривожлантиришга аҳамият бериб келмоқдалар.

Шунингдек, қайта ишлаш технологиялари ва симсиз алоқа, 3Д ҳамда блокчейн каъби йўналишларга ҳам алоҳида эътибор қаратилиши рақамли иқтисодиётга ўтиш истиқболлини белгилаб беради.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Алексеев И.В. Информационное обеспечение системы управления франчайзинговыми предприятиями / И.В. Алексеев, Е.В. Рибокене // Экономические и гуманитарные науки. – 2015. – №1 (276). – С. 105–110.
2. Брайан А. Вторая экономика [Электронный ресурс]. – Режим доступа: <http://www.obs.ru/article/1887/>.
3. Калужский М.Л. Маркетинговые сети в электронной коммерции: институциональный подход / М.Л. Калужский. – М.; Берлин: Директ-Медиа, 2014. – 402 с.
4. Кунгуров Д. Россиян ждет цифровая экономика. Высокие технологии способны реанимировать слабую экономику [Электронный ресурс]. – Режим доступа: <https://utro.ru/articles/2016/12/04/1307336.shtml>.
5. Петросян А. Что нужно знать о цифровой экономике и ее перспективах [Электронный ресурс]. – Режим доступа: <http://www.kommersant.ru/doc/3063024>.
6. Цветков В.А. Реализация стратегий новой индустриализации экономики / В.А. Цветков, И.М. Степнов, Ю.А. Ковальчук // Вестник Финансового университета. – 2016. – Т. 20. – №6 (96). – С. 19–30.
7. Kelly K. New Rules for the New Economy: 10 radical strategies for a connected world / K. Kelly. – New York: Viking, 1998. – 224 p.